

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

**«БОШ МАҚСАДИМИЗ – ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА
ОЛИБ БОРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ВА
ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ КЕСКИН
ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК,
КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ
ЙЎЛ ОЧИБ БЕРИШДИР»**

НОМЛИ МАЪРУЗАСИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА

**ИЛМИЙ-ОММАБОП
РИСОЛА**

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

**Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш
яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг
энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган
Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги**

**«БОШ МАҚСАДИМИЗ – ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА
ОЛИБ БОРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ВА
ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ КЕСКИН
ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК,
КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ
ЙЎЛ ОЧИБ БЕРИШДИР»**

НОМЛИ МАЪРУЗАСИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА

ИЛМИЙ-ОММАБОП РИСОЛА

УЎК: 323:338(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)

П 84

П 84 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир» номли маърузасини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Т.: «Маънавият», 2016. – 376 бет.

ISBN 978-9943-04-296-4

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йилнинг асосий якунлари ва 2016 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир» номли маърузаси асосида яратилган ушбу рисола жами 20 бобдан иборат бўлиб, у Юртбошимиз томонидан илгари сурилган муҳим ва долзарб фикрлар, фактик таҳлиллар, ғоялар, истиқболга мўлжалланган узоқ муддатли мақсадлар, амалий таклиф ва тавсияларни ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида 2016 йил учун белгилаб берилган устувор йўналишлар, шунингдек, ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли тадбирларни аҳоли, ўқувчи ва талаба ёшлар онгига сингдириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий тафаккур дунёсини кенгайтиришга қаратилган.

Мазкур рисола ўқитувчилар, илмий ходимлар, тадқиқотчи-изланувчилар ҳамда юртимизда олиб борилаётган ислохотлар ва модернизация жараёнларига қизиқадиган барча китобхонлар учун мўлжалланган.

УЎК: 323:338(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)

И л м и й - и ж о д и й г у р у х:

**Б.Ю. Ходиев, А.Ш. Бекмуродов, М.Р. Болтабоев,
У.В. Ғофуров, Ш.И. Мустафақулов**

Т а қ р и з ч и л а р:

Қ.Х. Абдурахмонов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Қ.К. Қуранбоев – сиёсий фанлари доктори, профессор,
Н.М. Маҳмудов – иқтисод фанлари доктори, профессор.

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ҳар бир чиқиши, нутқ ва маърузасида мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиётига оид ўта муҳим фикрлар, таҳлилий хулосалар, уларнинг асосида жамиятимиз олдида турган устувор дастурий вазифалар атрофлича баён қилинади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг юртимизда ҳар қайси йил якунига бағишлаб ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузалари муҳим иқтисодий кўрсаткичлар, далил ва рақамлар, чуқур аналитик мулоҳазаларга, аниқ ҳисоб-китобларга асосланган прогнозларга бойлиги билан нафақат мамлакатимиздаги, балки чет эллардаги нуфузли эксперт ва кузатувчиларда, жаҳон миқёсидаги йирик сиёсатчи ва иқтисодчиларда катта қизиқиш уйғотади. Чунки ана шу рақамлар, фикр-мулоҳазалар замирида бугунги Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш манзараси, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти яққол намоён бўлади.

Айни пайтда бу маърузаларда келтирилган мисоллар орқали дунёда тараққиётнинг «ўзбек модели» деган ном билан тан олинган стратегик ривожланиш йўлимиз ҳақиқатан ҳам ўз вақтида жуда тўғри танлангани ва ҳозирги кунда кўпчиликини ҳайратда қолдираётган натижалар бераётганига ҳар сафар такрор ва такрор ишонч ҳосил қиламиз. Айниқса, бутун жаҳон миқёсида глобал иқтисодий-молиявий инқироз ҳануз давом этаётган, унинг зарарли таъсири ер юзидаги ҳеч бир давлатни, жумладан Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаётган ўта мураккаб бир шароитда эл-юртимизнинг турли соҳа ва тармоқларда қўлга киритаётган ютуқлари, мамлакатимизнинг барқарор ўсиш суръатлари ва бунинг мантикий натижаси сифатида аҳолимизнинг ҳаёт сифати ва даражаси изчил ўсиб бораётгани қандай омиллар ҳисобидан таъминланаётгани, уларнинг негизида ётган қонуниятларни билиш албатта она юртимизда яшаётган, ана шу ўзгаришлардан баҳраманд бўлаётган инсонлар учун ҳам, ҳар қандай иқтисодий янгиликнинг туб моҳиятини билишга қизиқадиган хорижлик мутахассислар учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, мазкур маърузалар катта ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида мамлакатимиз тарихидан катта ўрин эгаллайди ва унинг тадрижий ривожланиш босқичларини йилма-йил акс эттириб борадиган ноёб ҳужжат бўлиб қолади.

Ҳеч шубҳасиз, Юртбошимизнинг 2016 йил 15 январда ўтказилган, мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси ҳам айна шу жиҳатлари билан улкан аҳамиятга эгадир.

Таъкидлаш кераки, «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир»¹ мавзусидаги ушбу маъруза

¹ **Ислон Каримов.** «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир». Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. –Т.: «Ўзбекистон», 2016, 88-бет.

«Ўзбекистон» нашриёти томонидан ўзбек ва рус тилларида алоҳида китоб ҳолида нашрдан чиқарилди.

Шунингдек, мазкур нашриёт томонидан ана шу маъруза бўйича яна бир китоб ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасига чет эл ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари ва хорижий экспертларнинг муносабат ва фикр-мулоҳазалари»¹ деб номланган мазкур тўпламда маърузанинг энг муҳим жиҳатлари алоҳида таъкидланиб, дунё микёсидаги иқтисодий ривожланиш тенденциялари асосида уларнинг моҳияти ва аҳамияти очиқ берилган.

Табиийки, бу китоблар ва мамлакатимиз матбуотида эълон қилинаётган мақола ва шарҳлар Юртбошимиз маърузасини ўқиб-ўрганиш, унда баён қилинган масалалар, ютуқ ва марралар, мақсад ва вазифаларни чуқур идрок этиш, уларнинг мағзига етиб боришда бош манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз маърузасида шундай муҳим фикр-мулоҳазалар, иқтисодий кўрсаткичлар борки, уларнинг замиридаги маъно, тенденция ва қонуниятларни жаҳон майдонидаги иқтисодий аҳвол, салбий ва ижобий жараёнлар билан солиштирмасдан, нуфузли экспертларнинг баҳолари, ёндашувларига таянмасдан туриб тўлиқ тушуниш, англаш осон эмас. Масалан, маърузадаги қуйидаги рақамларга эътибор берайлик: «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди»².

Бу рақамларни италиялик нуфузли эксперт, «d'Izarn Com» рақамли нашрлар нашриёти ва медиа-компанияси директори, «Tashkent-Paris» электрон журнали бош муҳаррири Сильви д'Изарн бундай шарҳлайди: «Мени республиканинг макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳайрон қолдирди. 8 фоизни ташкил этувчи Ўзбекистон ЯИМининг оғишмай ўсиб бориши, қолаверса, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳажмининг 8 фоизга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 7 фоизга ўсиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф қилиш бўйича республика ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган стратегиянинг самарадорлигидан дарак беради»³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасига чет эл ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари ва хорижий экспертларнинг муносабат ва фикр-мулоҳазалари. –Т.: «Ўзбекистон», 2016, 128-бет.

² **Ислон Каримов.** «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиқ беришдир». Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. –Т.: «Ўзбекистон», 2016, 21-бет.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасига чет эл ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари ва хорижий экспертларнинг муносабат ва фикр-мулоҳазалари. –Т.: «Ўзбекистон», 2016, 76-бет.

Биз – муқаддас Ўзбекистон заминида ўсиб-улғайган, унинг буюк келажагини барпо этиш йўлида бугунги улкан ўзгариш ва янгиланиш жараёнларида иштирок этаётган инсонлар она Ватанимизнинг тараққиётига оид ҳар бир ютукдан қувонамиз, бундай натижаларни қўлга киритишда бизнинг ҳам муносиб ҳиссамиз бор, деб ғурурланамиз. Президентимизнинг юқорида зикр этилган маърузасини ўқир эканмиз, қалбимиз ана шу туйғудан янада юксалгандек бўлади. Чунки бу дунёда туз-насиба, меҳр ва эътибор билан ўз бағрида асраб-авайлаб ўстирган юртимизнинг равнақи, халқимиз фаровонлигини кўриш, унинг жаҳон ичра тенглар ичра тенг бўлиб, эзгу мақсадлар сари мардона қадам ташлаётганини кўришдан ҳам ортиқ бахту саодат йўқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузасини ўқиб-ўрганиш юртдошларимизда мамлакатимиз тақдири, унинг бугунги ва эртанги истиқболига дахлдорлик ҳиссини кучайтиришда, ислохотлар жараёнида, Ўзбекистонимиз олдида турган вазифаларни ҳал этишда янада фаол иштирок этишимизда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича юртимиздаги етакчи олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот марказларининг тажрибали профессор-ўқитувчилари, олим ва тадқиқотчилари томонидан ушбу илмий-оммабоп рисола тайёрланди. У мамлакатимиз таълим тизимида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабалар, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган ёшлар, барча юртдошларимизга давлатимиз раҳбарининг маърузаси ҳақида атрофлича билим ва тасаввур беришга мўлжалланган. Албатта, жуда кенг қамровли мазкур маърузани битта рисола доирасида батафсил шарҳлаш ва тушунтириш ўта масъулиятли ва мураккаб масала. Сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу рисолани шу йўлдаги дастлабки тажриба сифатида қабул қилишингизни сўраймиз ва уни бойитиш, такомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдирасиз, деган умиддамиз. Бунинг учун Сиз, азиз китобхон ва ўқувчиларга олдиндан миннатдорлик билдирамиз.